

“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтиш

10:10 / 27.03.2017 12778

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ кимга бир неъмат берган бўлса, бас, Аллоҳга ҳамд айтишни кўпайтирсин! Кимнинг гуноҳлари кўпайиб кетса, Аллоҳга истиғфор айтсин! Кимнинг ризқи кечикса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтсин!” (Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадис ўзидан олдинги ривоятга ўхшаб кетади. Фақат буниси бошқача сийфада келтирилган.

“Аллоҳ кимга бир неъмат берган бўлса, бас, Аллоҳга ҳамд айтишни кўпайтирсин!”

Юқоридаги ҳадисда “кимга Аллоҳ бир неъмат берса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин!” дейилган бўлса, бунисида эса “ҳамд айтишни кўпайтирсин!” дейилмоқда. Демак, ҳамд айтишдан мурод, бирон неъматга эришгач, кўп бора Аллоҳга ҳамд, мақтов ва санолар айтиш экан.

“Кимнинг гуноҳлари кўпайиб кетса, Аллоҳга истиғфор айтсин!”

Чунки истиғфор айтиш гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлади.

Одатда, қалби пок инсон ожизлик қилиб, бирон гуноҳ иш қилса, ўзини ноқулай ҳис қила бошлайди. Сабаби унинг қалби қорайган бўлади. Ривоятларнинг бирида истиғфор айтиш қалбни чароғон қилиши айтилган. Шу сабаб ҳам, гуноҳ қилган банд айбини тан олиб, Аллоҳга истиғфор айтади ва У Зотдан гуноҳларини кечиришини сўраб дуо қилади.

“Кимнинг ризқи кечикса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтсин!”

Юқорида келган ҳадиси шарифда “кимнинг бошига бирон кулфат тушса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” десин!” дейилган эди. Бу ривоятда банданинг ризқи кечикканда, унга мазкур калималарни кўп

айтиш тавсия қилинмоқда. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, банда бирон мусибатга йўлиқиб, қийин аҳволга тушиб қолганда, хусусан қарздор бўлиб қолганида, ризқининг келиш муддати кечикиб, моддий ҳолати оғирлашганида, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” калимасини кўп такрорласа, Аллоҳ унга нажот беради ҳамда уни турли хил қийинчилик ва ташвишлардан халос этади.

Зиёуддин Раҳим